/1502

***01/25-сонли ШАРТНОМА***
***Товарни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича***

***Тошкент шаҳри*** ***2022 йил «25» ноябр***

Бундан кейин **«Буюртмачи»** деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи «Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» Акциядорлик Жамияти номидан иш юритувчи А.Карабаев ва бундан кейин **«Ижрочи»** деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи **«SUN-HIGHTECH»** Масъулияти Чекланган Жамияти (МЧЖ) номидан Бош директор Э.Абдуллаев (бундан кейин биргаликда **«Томонлар»** деб аталади, ва мазкур шартномада кўрсатилган хар бир юридик шахс **«Томон»** деб аталади) ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I.ШАРТНОМА МАВЗУСИ

**1.1 Ижрочи Буюртмачига** қарашли ҳудудига – Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Маргилон кўчаси, 8 уйда жойлашган манзил бўйича ва мазкур шартномага 1-илова қилинган рўйхат бўйича ҳудудий корхоналарига умумий қуввати **75**кВт тармоқ қуёш электр станцияларини (бундан буён матнда **«Товар»** деб аталади) ишлаб чиқариш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича ишларни бажариш мажбуриятини олади.

Мазкур шартнома «Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» Акциядорлик Жамияти томонидан **Товарни** харид қилиш бўйича 2022 йил 21 ноябрдаги 187666-сонли энг яхши оферта лотини танлаш бўйича харид қилиш комиссиясининг баённомаси асосида тузилди.

**1.2 Ижрочи** ушбу Шартномани тузиш вақтида **Томонлар** томонидан келишилган ва имзоланган (Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-илова) мувофиқ **Товарни** ишлаб чиқариш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** томонидан Техник топшириқларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ушбу ўзгаришлар ушбу Шартномага ёзма қўшимча келишув асосида **Ижрочи** билан келишилганидан кейин якуний ўзгартирилган деб ҳисобланади.

## II. ТОВАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

**2.1.** Мазкур Шартнома бўйича **Товарнинг** нархи қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан бирга **862 500 000 (саккиз юз олтмиш икки миллион беш юз минг) сўмни** ташкил этади.

**2.2.** Ушбу Шартнома бўйича тўлов **Буюртмачи** томонидан **Ижрочи** ҳисоб рақамига пул маблағларини қуйидаги тартибда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

**2.2.1. Томонлар** томонидан ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ун) банк куни ичида шарномани 2.1. бандида кўрсатиб ўтилган **Товар** қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўлов;

**2.2.2.** Мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган хар бир ташкилотга **Товарни** ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича ишлар амалга оширилгандaнг кейин, ва ушбу ишлар кабул қилиб олинган кундан бошлаб хар бир ташкилот кесимида **Товар** қийматининг 70 фоизини **Буюртмачи** 30 (уттиз) иш кунида ичида амалга оширилади.

## III. ТОВАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ЎРНАТИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ

**3.1.** Ушбу Шартнома бўйича **Ижрочи** томонидан **Буюртмачига Товарни** ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш шартларининг бажарилиши тўлов амалга оширилган пайтдан бошлаб 30 (ўттиз) иш кун этиб белгиланади. Шунда **Ижрочи** томонидан ишлар бажарилганда, оби-ҳаво бўзилиши холатлари мавжуд бўлса, яъни ёмғир ва қор ёғса, ва (ёки)

Сканировано с CamScanner

мамакалдроқ ва туман мавжуд бўлганида, ҳамда кучли шамол эса, унда ишлар тўхтали. Иш жараёни тўхтатишга **Ижрочи** мажбурлиги сабаби, ишчилар баландликда очиқ об-ҳаво тармоқ қуёш фотоэлектр станцияларни ўрнатади ва ушбу станция электр ишлаб чиқаради, ва шунда оби-ҳаво бўзилиши холатлари мавжуд бўлганда электр ток уларни соглигига катта зарар етқазиши мумкин. Шу сабабдан ишларни меҳнат муҳофазаси бўйича ҳукуматимиз ва ваколатга эга бўлган Давлат органлари кўнгина норматив-меёрий ҳужжатлар қабул қилган, яъни Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2008 йил 17 декабрдаги 75-сонли буйруғи билан тасдиқанган «Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари» ва бошқалар.

**3.2. Ижрочи Товарни Буюртмачига** муддатидан аввал етказиб бериш ҳуқуқига эга.

**3.3. Ижрочи** ушбу Шартнома бўйича ўз Шартнома мажбуриятларини **Буюртмачи** 5 (беш) банк куни ичида **Ижрочининг** ҳисоб рақамига олдиндан тўлов қилинган кундан бошлаб бажаришга киришади.

## IV. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1.** Ушбу Шартнома бўйича **Томонлар** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ушбу тузилган Шартномани тузиш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

— ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган воситалар ва усулларни қўллаш;

**4.2.** Ушбу Шартнома бўйича **Томонлар** қуйидагиларга мажбурдирлар:

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилиш;

— тузилган ушбу Шартнома талабларига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариш.

**4.3. Буюртмачи** қуйидагиларга мажбур:

- ушбу Шартнома бўйича етказиб берилган **Товар** учун ўз вақтида дастлабки ва якуний тўловни амалга ошириш;

- **Товарни** ўрнатиш тугалланганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, беш кун ичида **Товарни** ўрнатиш бўйича иш ҳажмини кўриб чиқиш ва қабул қилиш ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда **Ижрочига** маълум қилиш.

**4.4. Ижрочи** қуйидагиларга мажбур:

- Ушбу шартномада белгиланган тартибда **Товарни** етказиб бериш;

- **Буюртмачи** вакили иштирокида ушбу Шартнома бўйича **Товарни** ишга туширишни амалга ошириш ва **Товарни** ўрнатиш бўйича ишларни бажаришда **Буюртмачининг** ёзма ва (ёки) оғзаки тавсияларига риоя қилиш;

- техник топшириқлардан четга чиқишларни **Буюртмачи** билан келишиш;

- ушбу Шартномада белгиланган муддатларда **Товарни Буюртмачига** топшириш;

- ушбу Шартномада кўрсатилган **Товарни** ўрнатиш бўйича техник топшириқ ва иш ҳажмини **Буюртмачининг** розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик.

## V. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**5.1.** Ушбу Шартнома бўйича **Товарни** топшириш Буюртмачининг ваколатли вакили томонидан имзоланган **Товарни** икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг якуний топширилган ҳисобланади.

**5.2. Буюртмачи Товарни** топшириш тўғрисидаги билдиришномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида:

- ёки **Товарни** қабул қилиши ва **Товарни** топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаши;

Сканировано с CamScanner

- ёки **Товарни** қабул қилишдан бош тортиши ва **Ижрочи**га асослантирилган рад жавоб юбориши керак.

**5.3.** Асосли раддия бўлган тақдирда, тузатишлар рўйхати ва аниқланган нуқсонл бартараф этиш муддатлари кўрсатилган икки томонлама далолатнома тузилади.

## VI. ДАЪВОЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

**6.1.** Ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган **Томон** бо **Томонга** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда даъволар кў ҳуқуқига эга.

**6.2.** Ушбу Шартнома бўйича даъво аризаси берилган **Томон** даъво олинган кундан бош 30 (ўттиз) кун ичида ушбу даъвога ёзма жавоб беришга мажбурдир.

**6.3.** Белгиланган муддатларда даъво аризаси рад этилган (қисман рад этилган) ёки ж ололмаган **Томон**, тегишли суд қарорини олиш учун Иқтисодий судига даъво аризаси б мурожаат қилиши мумкин.

## VII. ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**7.1.** Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим дара бажармаганлик учун **Ижрочи** ва **Буюртмачи** Ўзбекистон Республикасининг амал қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**7.2. Товарни** топшириш муддатлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, **Ижр Буюртмачига** кечиктирилган ҳар бир кун учун **Товар** қийматининг 0,02% миқдорида, л **Товар** қийматининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

**7.3.** Ушбу Шартномада назарда тутилган муддатларда тўловни ўз вақтида тўламаганл (ёки) кечиктирганлик учун **Буюртмачи Ижрочига** кечиктирилган ҳар бир кун учун 0, миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўл

## VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

**8.1. Томонлар** Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун, агар ул бажаришнинг иложсизлиги Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига бево таъсир қилувчи табиий офатлар ёки ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек, давлат орган томонидан ушбу Шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи қонун ҳужжатлар қабул қилиш ва (ёки) ўзгартириш каби форс-мажор ҳолатлари натижасида юз берган бў жавобгар бўлмайдилар.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

**9.1.** Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, улар ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсга тўғридан-тўғри ёки билвосита пул қимматбаҳо нарсаларни тўламайди, тўлашни таклиф қилмайди ёки тўлашга рухсат берма Ҳар қандай шахсларнинг қарорлари ўзгартиришлари учун ёки номақбул устунликка эри ёки бошқа номувофиқ мақсадларга эришишига йўл қўймайди.

**9.2.** Томонлар, уларнинг ходимлари ёки воситачилари ушбу шартнома бўйич мажбуриятларини бажараётганда амалдаги қонунчиликда пора бериш(олиш), шунин амалдаги қонун ҳужжатларини ёки коррупцияга қарши халқаро актлар талабларини буз бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

**9.3.** Агар томонлардан бири ушбу банднинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши с бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли томон бошқа томонни равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма билдиришномада томон бошқа то унинг ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу банднинг ҳар қандай қоида бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқловчи



Сканировано с CamScanner

йшонтириш учун асос бўладиган фактларга хавола килиниш ёки материалларни килиниш керак.

**9.4.** Агар Томонлардан бири ушбу банд коидаларини бузса, бошка Томон шартномани томонлама бекор килиш тўғрисида ёзма билдиришнома юбориш оркали шартномани суд ташкари бир томонлама тартибда бекор килишга хакли.

## X. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

**10.1.** Ушбу Шартномага киритилган хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар равишда тузилган ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бў хакикий хисобланади.

**10.2. Томонларнинг** хеч бири бошка **Томоннинг** ёзма розилигисиз Шартнома бўйич хукукларини учинчи томонга ўтказишга хакли эмас.

**10.3.** Ушбу Шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха хам бир хил ва бир хил юри кучга эга. **Томонларнинг** хар бири ушбу Шартноманинг битта нусхасига эга.

**10.4.** Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалаларда томонлар Ўзбекис Республикасининг амалдаги конунчилигига амал киладилар.

**10.5.** Мазкур шартнома имзолангандан кундан то 2022 йил 31 декабрь кунига кадар а килади. Лекин мазкур шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган холатлар мавжуд бўлга ушбу шатрнома муддати, конунчиликда белгиланган тартибда, ўзайтирилиши мумкин.

## XI. МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«БУЮРТМАЧИ»**

**«Наманган худудий электр тармоклари корхонаси» АЖ**

Манзил: Наманган вилояти,
Наманган шахар,
Марғилон кўчаси, 8 уй.
Тел: (69) 228-76-17
Х/Р: 2021 0000 5005 1005 8001
«ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК» АТБ
Наманган филиали
МФО: 00 440; СТИР: 200 048 685;
ИФУТ: 35 120
Код: 3140 1000 5779

**«ИЖРОЧИ»**

**«SUN-HIGHTECH» МЧЖ**

Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Богишамол кўчаси 160 уй,
Юнусобод кичик саноат зонаси.
Тел: (94) 777-78-88
Х/Р: 2020 8000 2052 0055 3001
«ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК» АТБ
БОШ ОФИСИ, МФО: 00440,
СТИР 307 258 109, ИФУТ 27900

**Бош директор** **А.Карабаев**

**Бош директор** **Э.Абдуллаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI "NAMANGAN HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

SUN-HIGHTECH

**2022 йил 25 ноябр куни 01/25-сонли шартномага 1-илова**

Бундан кейин **«Буюртмачи»** деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи «Наманган худудий электр тармоклари корхонаси» Акциядорлик Жамияти номидан вазир А.Карабаев бир томон ва бундан кейин **«Ижрочи»** деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи «SUN-HIGHTECH» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) номидан директор Э.Абдуллаев бошка томон. Шартнома асосан тармок куёш фотоэлектрик станцияларини умумий нархи ККС ни хисобга олган холда **862 500 000** (саккиз юз олтмиш икки миллион беш юз минг) **сўмни** ташкил этиши ва уларни куйдаги ташкилотлар ва хажмлар кесимида келишиб олдилар

| № т/р | Ташкилотларнинг жойлашган манзиллари | Ташкилотлар номлари | Тармок куёш электр станциясини куввати (кВт) | Тармок куёш электр станциясини нархи ККС билан (сўм) | шу жумладан | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Тармок куёш электр станциясини нархи ККСсиз (сўм) | ККС микдори (сўм) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | Наманган вилояти, Наманган шахар, Маргилон кучаси, 8 уй | "Наманган Худудий Электр Тармоклари Корхонаси" АЖнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 2 | Наманган вилояти, Озод МФЙ, С.Адашев кўчаси | Марказ Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 3 | Наманган вилояти, Янги Наманган тумани, Косонсой кучаси | Янги Наманган туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 4 | Наманган вилояти, Давлатобод тумани, 6-кичик ноҳия хотира кучаси | Давлатобод туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 5 | Наманган вилояти, Шарк МФЙ | Туракургон туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 6 | Наманган вилояти, Бирлик МФЙ, Чустий куча | Чуст туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 7 | Наманган вилояти, Поп шахарчаси, Дўстлик МФЙ | Поп туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 8 | Наманган вилояти, Бирлашган МФЙ, Э.Ўрмонов куча | Мингбулок туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 9 | Наманган вилояти, Тошбулок МФЙ | Наманган туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 10 | Наманган вилояти, Хакулобод шахарчаси, Дустлик МФЙ | Норин туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 11 | Наманган вилояти, Кўрибоши МФЙ, Кўрик боши кўчаси | Учкургон туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 12 | Наманган вилояти, Беруний МФЙ, Беруний куча, 8-уй | Уйчи туман Электр Тармоклари Корхонасининнинг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |

Сканировано с CamScanner

| № т/р | Ташкилотларнинг жойлашган манзиллари | Ташкилотлар номлари | Тармоқ қуёш электр станциясини қуввати (кВт) | Тармоқ қуёш электр станциясини нархи ҚҚС билан (сўм) | шу жумладан | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Тармоқ қуёш электр станциясини нархи ҚҚСсиз (сўм) | ҚҚС миқдори (сўм) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 13 | Наманган вилояти Чортоқ шаҳарчаси, Бешкапа МФЙ | Чортоқ туман "Электр Тармоқлари Корхонасининг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 14 | Наманган вилояти Янгиқўрғон шаҳарчаси Қутлуғ тол МФЙ | Янгиқўрғон туман "Электр Тармоқлари Корхонасининг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| 15 | Наманган вилояти, Гулобод МФЙ, Меъмор кўча, 69 уй | Косонсой туман "Электр Тармоқлари Корхонасининг маъмурий биносига | 5 | 57 500 000,00 | 50 000 000,00 | 7 500 000,00 |
| | ЖАМИ: | | 75 | 862 500 000,00 | 750 000 000,00 | 112 500 000,00 |

Шартнома нархларига юқорида кўрсатилган ускунанинг нархи, етказиб бериш, шунингдек, ускунани ўрнатиш ва ишга тушириш харажатлари киради.

**«Буюртмачи»**
**«Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси» Акциядорлик Жамияти**

Бош директор А.Карабаев

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI «NAMANGAN HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

**«Ижрочи»**
**«SUN-HIGHTECH»**
**Масъулияти Чекланган Жамияти**

Бош директор Э.Абдуллаев

Сканировано с CamScanner